

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**"ДУБЛИНЛИКЛАР" ҲИКОЯЛАР ТЎПЛАМИДА МАКОН ВА ЗАМОН  
ТАВСИФИ ("ОПА-СИНГИЛЛАР" ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)**

**Назира Мухитдинова**

Жиззах давлат педагогика институти, мустақил тадқиқотчи  
naziramukhitdinova07@gmail.com

**For citation:** Nazira Mukhitdinova. DESCRIPTION OF PLACE AND TIME (ON THE EXAMPLE OF THE HISTORY "SISTERS"). International Journal of Word Art. 2019, vol. 3, issue 7, pp. 50-59



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-6>

*Келиб тушган сана 18 июль, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада Жеймс Жойснинг "Дублинликлар" тўпламига кирган "Опа-Сингиллар" ҳикояси таҳлил қилинади. Ҳикояда макон ва замон уйғунлиги тавсифланади. Бу ҳикоя учта ҳикоя туркумининг биринчиси бўлиб, унда, Жойс китобининг "биологик" моделига мувофиқ, алоҳида организмнинг болалик палласи тасвирланган. "Опа-сингиллар" олами- бола гидрокидаги олам. Ҳикоя қилувчи - бола ва ҳикоялаш тарзи табиий ритмининг алоҳида тобелиги шу билан боғланган (ҳикоя вақтининг кун ва тун, уйқу боррликка алмашиниши): зеро, катта ёшдаги кишидан кўра бола табиатга яқинроқ. Ҳикоя вақти - табиатнинг табиий қонуни ва ритмига тобе вақт. Матндаги хронологик белги- ишораларнинг асосий хусусиятлари шундан далолат беради. Ҳикоя аввалидаги бир хил оҳангда давом этадиган қатъиятли такрорларга эга. "Опа- сингиллар"да ҳикоя биринчи шахс томонидан олиб борилади. Матнда ҳатто ҳикоячининг ички кўчирма гапи, унинг эхтиросли гуноҳлари учрайди.

Шу тариқа, китобхон ҳикоячи - боланинг нуқтаи назарини қабул қилиб унинг биологик ритмига бўйсиниб "Дублинликлар" оламига кириб боради.

**Калит сўзлар:** символик образ, гармония, мунаввар ақл, макон ва замон, эстетика; ҳикоячи персонаж

---

**ОПИСАНИЕ МЕСТА И ВРЕМЕНИ (НА ПРИМЕРЕ ИСТОРИИ "СЁСТРЫ")**

**Назира Мухитдинова**

Джиззахский государственнқй педагогический институт, независимый исследователь  
naziramukhitdinova07@gmail.com

---

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются рассказ "Сёстры" из сборника Джеймса Джойса "Дублинцы". История описывает гармонию пространства и времени. Эта история является первой из серии из трех историй, описывающих детскую фазу отдельного организма в соответствии с "биологической" моделью книги Джойса.

Вселенная "Сестёр" - это мир детского восприятия. История ребенка - и стиль рассказа - естественный ритм рассказа - связаны между собой (время рассказа, день и ночь, нарушения сна), потому что ребенок ближе к природе, чем взрослый. Время истории - время следовать естественному закону и ритму природы. Ключевые особенности хронологических признаков в тексте свидетельствуют об этом. Истории имеют постоянное повторение одного и того же рода истории. Рассказ "Сёстры" ведётся от первого лица. В тексте встречается даже история внутреннего диалога рассказчика, история его тайных грехов. Таким образом, читатель принимает точку зрения ребенка и подчиняется его биологическому ритму и входит в мир "Дублинцев".

**Ключевые слова:** символический образ, гармония, интеллект, пространство и время, эстетика; рассказчик

## DESCRIPTION OF PLACE AND TIME (ON THE EXAMPLE OF THE HISTORY "SISTERS")

**Nazira Mukhitdinova**

D, an independent researcher  
naziramukhitdinova07@gmail.com

## ANNOTATION

The article analyzes the story "Sisters" from the collection of James Joyce "Dubliners". History describes the harmony of space and time. This story is the first of a series of three stories describing the children's phase of a separate organism in accordance with the "biological" model of the book of Joyce.

The Sisters Universe is a world of children's perception. The child's story - and the style of the story - the natural rhythm of the story - is related (story time, day and night, sleep disturbances) because the child is closer to nature than an adult. The time of history is the time to follow the natural law and the rhythm of nature. Key features of chronological signs in the text testify to this. Stories have a constant repetition of the same kind of story. The story "Sisters" is in the first person. The text even contains the story of the internal dialogue of the narrator, the story of his secret sins. Thus, the reader accepts the child's point of view and obeys his biological rhythm and enters the world of "Dubliners".

**Key words:** symbolic image, harmony, intelligence, space and time, aesthetics; storyteller

Жойс ўзини санъаткор сифатида кўрсатган "Дублинликлар" ҳикоялар тўплами 1914 йили ёруғлик юзини кўрди. "Дублинликлар" устидаги иш 1907 йил буткул яқунланган бўлса-да, ноширларнинг қаршилигини бартараф қилишга олти йилдан ортиқ вақт кетди: Жойс асарларини замондошлари адабий меъёрларни бузувчи новаторлик сифатида қабул қилишди. Бу новаторлик Жойснинг "Йейте каби замондоши томонидан баҳоланди ва у: "Дублинликлар" ўз муаллифини ҳикоянинг катта устаси ва қолаверса янги типдаги ҳикоя устаси сифатида намоён этди" [1, 390], деб ёзади С.Хоружий.

Маълумки, Жойс "Дублинликлар"да "тиниқ кўрсатадиган кўзгу"ни яратишни мақсад қилган, токи унда "ирландлар ўзларини кўра олишсин", деган

мақсадни олдиға қўйган, яъни ўзининг ҳикояларида ўзаро яхши боғланмаган адабий мозаиканинг парчаларини эмас, балки яхлит бадий образни назарда тутган. Ҳикояларнинг бир китобга жамлангани ўзи муаллифнинг имкон қадар кенг кўламли бадий умумлашмага интилганини кўрсатади. Китоб марказида Шаҳарнинг символик образи туради; асрлар оралигида маданият учун ўта аҳамиятли ҳисобланган урбанистик проблема Жойс насрида ўзига хос эстетик моҳият касб этади. Шаҳар жамки табиий биологик ўзгаришларга гирифтор бўлган аллақандай органик яхлитлик сифатида тушинилади.

Ёзувчи "Дублинликлар"ни бошқача эмас, балки китоб деб этади ва унинг чуқур ва қатъий ўйлаб ёзилгани ҳақида: "Мен ўзимнинг китобимни ўта диққат-

этибор билан ўйлаб, санъатнинг классик анъаналари ҳақидаги ўзимнинг тасаввуримга мувофиқ тарзда яратганман"[1, 587], деб ёзган. Жойс назарда тутган классик анъана Флобер ва Мопассан ижодида намоён бўлган, унинг жиддий, аҳамиятли хусусиятларини (ўзининг тушунишича) ёзувчи ўзининг "классик санъат" назариясида шакллантирди. Жойснинг эстетик назарияси ҳақида ва у ёзувчи ижодида қай тарзда мужассамлангани ҳақида хориж [2] ва собиқ иттифоқ [3] олимлари кўп ва хўп ёзганлар.

Ушбу назарияни "Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили" қаҳрамони романнинг охири бобларида тарғиб қилади. Гўзаллик, унинг ишоннишича, бутунлик, гармония, мунаввар фикр, ёруғ ақл (*integritas, consonantia, claritas*) мавжуд жойда юзага келади. Бутунлик эстетик образни "макон ва вақтнинг бепоён фонида ўз ўзини чеклаган ва мустақил маъно-музун сифатида" [3] идроклаш, қабул қилиш билан боғлиқ; гармония - уни "ўзаро мувофиқ бутунлик, мураккаб, бўлинадиган, қисмлардан таркиб топган, бу қисмларнинг ҳосиласи сифатида, уларнинг мажмуи, ўзаро ҳамоҳанг, уйғунлик" сифатида идроклаш, қабул қилиш билан боғлиқ; фикр(ақл)нинг равшанлашиши "нарсани ўзидалиги", "гўзалликнинг олий сифати, эстетик образнинг ёрқин товланиши, унинг бутунлиги билан тўхтатилган ва унинг гармонияси билан мафтун бўлган онда аниқ идрокланади; бу эстетик завқнинг порлоқ тилсиз стасиси..."[4, 7]. Гарчи С.СХоружийнинг Жойснинг эстетик қарашлар тизими принципиал жиҳатда жуда аҳамиятли эмас, деган фикри билан келишмасликнинг иложи бўлмаса-да бу қарашлар тузимини "Дублинликлар" таҳлили чоғида, албатта, назарда тутиш зарур: китобнинг шаклий қурилишида улар сезиларли таъсир кўрсатган.

Бутунлик ва уйғунлик талаби китоб структурасига таъсирини кўрсатган, қисмлари-ҳикояларининг қатъий изчиллик билан, кетма-кетликда келишини, "уларнинг ўзаро мураккаб ички - тематик, гоъвий, интонацияли-стилистик - алоқасини ва тўпламнинг умумий гоъси билан боғлиқлигини ҳамда бадиий яхлитликнинг барча таркибий қисмлари - хатбоши(абзац)ларнинг ажратиб кўрсатилиши ва тиниш белгиларининг жой-жойига қўйилишигача - барчасини олдиндан тақазо этган. Тўпланда бирор-бир тасодифий ҳол учрамайди"[4, 14]. "Ақл равшанлашиши"нинг талаби китоб ва уни ташкил этган ҳикояларнинг структураси даражасида, Жойснинг "эпифания" жанридаги илк адабий тажрибаларига доир бўлган асар хотимасининг алоҳида турида ўз ифодасининг топган: ҳар бир ҳикоянинг хотимаси "алоҳида ритмик тузилмаси билан бутун ҳикоялаш маромидан" фарқланиб туради[4, 20], китоб "Ўликлар" номли ҳикоя билан якунланди, "унда жисмоний ва маънавий ўлим жуда кучли ифодаланади"[4, 20].

Шундай қилиб, "Дублинликлар"нинг макон-вақт қурилишига хос хусусиятларини ўрганишда аввалбошда муаллиф томонидан бу тўплам ягона макон-вақт структураси эга бўлган ягона бадиий бутунлик сифатида белгилангани назарда тутилади.

Китобдаги ҳикояларни бириктирган муҳим мезонлардан бири улардаги воқеалар, ҳатти-ҳаракатлар кечадиган жой бўлиб, унинг аҳамияти ўзининг номи билан таъкидланган. Жойснинг қаҳрамонларининг муайян макон, ҳудуд билан алоқаси қизиқтиради, муаллиф учун унинг персонажлари - биринчи галда Дублин шаҳрида яшайдиганлар, улар бу шаҳарнинг вакиллари ва унинг маҳсуллари, унинг яхлит-бутунлиги

қисмлари. Муаллиф манзил (Дублин) феноменини унинг одамлари орқали талқич қилади. Шаҳар образи босқичма-босқич гавдалантирилади, "Дублинликлар"нинг ҳар бир янги персонажи образи орқали Дублиннинг умумий манзаралари, унитилмас муҳри аён кўрсатиб борилади.

Куйида "Дублинликлар"нинг макон-вақт континууми ҳикоядан ҳикояга қандай тартибда кенгайиб боришини кузатамиз.

Жойснинг бадиий асар "биологик" моделини структуравий қайта (такрор) акс эттиришга доир илк адабий тажрибаси талқиччилар томонидан кўп таъкидланган (жумладан, рус талқичотчилари: Д.Г.Жантиева, Е.Ю.Гениева, С.С.Хоружийлар томонидан): у (ўзининг барча структуравий миқёсларида) ҳомиладан вояга етган организмга ўхшаб пайдо бўлади, ривожланади, юқори маромга эришади (эскириб путурдан кетади, талвасага тушади ва ўлади). "Дублинликлар" - тирик мавжудот сифатидаги шаҳар ҳақида ёзилган китоб, уни ташкил этган новеллалар ана шу шаҳар ҳаётининг турли босқичларини намоён этади: болалик, ўсмирлик, балоғат - ва ижтимоий ҳаёт. "Бадиий асар билан организм ўртасида ўзаро ёнма-ён ажралмас ёндошлик, бир-бирига ғоят ўхшашлик амалга оширилади; бадиий предмет (образ, сюжет, шакллар) ривожи ва ҳомила ривожи орқали"[4, 21].

Бу китобнинг марказий образи шаҳар образи ҳисобланади, бу - фалажга дучор бўлган тирик мавжудот.

Бедаво касаллик - фалажга дучор бўлган бемор образи тўпламдаги биринчи (матнда алоҳида муҳим мавқени эгаллаган) ҳикоя - "Опа-сингиллар"даёқ намоён бўлади ва тўпламнинг бош гоёсини, асосий пафосини, етакчи сюжетини тайин этади.

Бу ҳикоя учта ҳикоя туркумининг биринчиси бўлиб, унда, Жойс китобининг "биологик" моделига мувофиқ, юқорида тилга олинган алоҳида организмнинг болалик палласи тасвирланган.

"Опа-сингиллар" олами - бола идрокидаги олам. Ҳикоя қилувчи - бола ва ҳикоялаш тарзи табиий ритмининг алоҳида тобелиги шу билан боғланган (ҳикоя вақтининг кун ва тун, уйқу бедорликка алмашилиши): зеро, катта ёшдаги кишидан кўра бола табиатга яқинроқ. Ҳикоя вақти - табиатнинг табиий қонуни ва ритмига тобе вақт. Матндаги хронологик белги-ишораларнинг асосий хусусиятлари шундан далолат беради. Ҳикоя аввалидаги бир хил оҳангда давом этадиган қатъиятли такрорларга мисол: "Night after night I had passed house..." [5, 41] ("Ҳар кун кечқурун мен уйнинг ёнидан ўтардим..."[6]; "... and night after night I had found it lighted... (... ва ҳар кун кечқурун мен уйни ёруғ кўрардим..." [6, 7]. Ёки, яна матн давомида ўқиймиз: "... мен кечки овқатга тушган пайтда..." [6, 7], "Мен бу оқшом кеч ухладим..." [6, 9], "Эртаси кун эрталаб нонуштадан сўнг")...

Бундан ташқари, ҳикоядаги вақт - ҳикоя қилувчининг алоҳида-субъектив вақти. "Опа-сингиллар"да ҳикоя биринчи шахс тилидан олиб борилади (бу Жойснинг бадиий амалиётида кам учрайдиган ҳодиса: бу усул билан "истиқфорий" таъсирга эришилади (ишончлилик, шахсан кечирган кечинмаларга гувоҳлик; ҳикоячи-персонажнинг координатлар тизими кўрсатилади: ўқувчи билан асар матни орасида нисбатан қисқа масофа олинади). Матнда ҳатто ҳикоячининг ички кўчирма гапи, унинг эҳтиросли изоҳлари учрайди: "У оғзида трубка билан пихиллади, гўё фикрини жамлаб олмоқчидай. Эзма, қари тўнка!" [6, 7];

"Мен газабимни сездириб қўймаслик учун оғзимни сули бўтқаси билан тўлдириб олганман. Эзма, қари қизилбурун аҳмоқ!" [6, 9].

Шу тариқа, китобхон ҳикоячи-боланинг нуқтаи назарини қабул қилиб, унинг биологик ритмига бўйсуниб "Дублинликлар" оламига кириб боради.

Ҳикоядаги ҳаракат қиладиган шахслар тизмида ҳикоячи образи билан руҳоний Жеймс Флинн фалаж образи нисбатан мустаҳкам боғланган. Бу шогирд ва устоз алоқаси ("... у менга кўп нарсани ўргатди..." [6, 10], дўстлар ўртасидаги алоқа (уларнинг ўзаро муносабатини бошқа персонажлар, мисол учун, қаҳрамоннинг бобоси кўради) ва - янада юксак, эътиқод тартибидаги алоқа - диний раҳнамо ва гуноҳдорнинг алоқаси (ҳикоячи-бола тушида ҳазрат Флинннинг юзини кўради: "Бироқ рангпар юз ортимдан изма-из келарди. У пичирлади ва мен унинг нимагадир тавба қилишни истаётганини тушундим. \...\ Кейин унинг фалаждан ўлганини эсладим ва ўзимнинг ҳам кулаётганимни, журъатсиз, гўё уни гуноҳи азимдан халос қилаётганимни ҳис этдим") [6, 9] (Таъкидлар бизники - Н.М.)

"Опа-сингиллар"нинг вақт структурасида, руҳоний Жеймс Флинн билан боғлиқ хронологик қатлам2 жуда муҳим роль ўйнайди. Жеймс Флинн ва унинг касали одатдагича ҳаракатга келтирилган жараёни ўзида гавдалантиради. Ҳикоячи "...ҳар куни кечкурун \...\ уйнинг ёнидан ўтарди..." (руҳонийнинг уйи), "...ҳар куни кечкурун деразага қараб, \...\ ичида, овоз чиқармай "фалаж" сўзини айтарди" (Флинннинг деразасига қараб ва унинг касали ҳақида ўйлаб), "...ўзи унинг қора тамаки қутисига тамаки соларди, чунки руҳонийнинг қўллари кескин қалтирар

ва у бу ишни қила олмас, тамакининг ярмини ерга тўкиб юборарди" ва у кўриб турарди: "руҳоний ўзининг қалтираётган катта қўлини бурнига яқин келтирганида бармоқлари орасидан кийимига тамаки ушоқлари тўкилди" [6, 9-10].

Ҳикоячининг хотираларида фалажга йўлиққан руҳонийнинг яшаётгани айтилган маиший тафсилотлар унинг ночорлигини, икир-чикирларга қарамлиги, бошқаларнинг мурувватига муҳтожлигини таъкидлайди. Деймс Флинннинг қиёфасида унинг ҳаётдан узилиб қолганини кўрсатиб турган аломатлар акс этади; унинг уст-боши, у ишлатадиган нарсалар, бедаво касалик таъсири остида, ўзининг хусусиятини ўзгартиради: "Мудом тўкилиб турадиган тамакидан унинг эски руҳонийча жуббаси рангсиз яшил тусга кирди, ҳатто бу ҳам етмагандай кийимига тўкилган тамаки ушоқларини сермаб ташлайдиган қизил қўл рўмолчаси бир ҳафтада қорайиб кетди"[6, 10]. Бармоқлар орасидан тўкилаётган тамаки айнишнинг ўзига хос тимсолига айланади: тамаки ҳидлашга ишбозликдан (эски урфга хос одат), ҳузурланиш манбаини ушлаб туришга ноқобиллик ва ерга тўкилган тамаки - куч-қувватдан қолганликдан, ўз танасини, ҳаётини бошқаришга курби етмаслигидан далолат берадиган аломатлардир. Юқорида келтирилган парчадаги охириги тафсилот, айниқса, кўплаб турли-туман ассоциацияларни уйғотади: қора тусга кирган қизил қўл рўмол - қорайиб қуюқлашган қон; тугаб битган эҳтирос, севги, ҳаёт; чўзилиб кетган ва ҳар ҳафта янгиланадиган мотам. Бу деталларнинг тимсолий тифизлиги шубҳадан холи.

Улкан, тарихий даврнинг белги-аломатлари, аниқ саналарга оид фактлар ва реал воқеалар Жеймс Флинн билан боғланиб ҳикояга кириб

келади. Руҳоний - тарихий ва маданий хотира ташувчи шахс: "У Римдаги Ирланд коллежини битирган ва мени лотинчани тўғри ўқишга ўргатган. (Лотин тили черков, маданият, тарихий хотира тили сифатида ўтилади - Н.М.) У менга горлар ҳақида, Наполеон ҳақида гапириб берган..." [6, 10]. Руҳоний тасвирида тарихий вақт оқими "тўнлаб қолади", бошқа англандан (этик ва эстетик) вақтни Жеймс Флинн (ҳикоячи ҳам) топа билмайди, унинг оламида тарихий келажак йўқ. Унинг 1895 йил 1-июл билан белгиланган ўлими факти тарихий ҳақиқат тусини олгандек гўё, ҳикоя матнида руҳоний яшаган уйнинг деразасидаги варақа (гувоҳнома) билан тасдиқланади ("Варақони ўқиб мен унинг ўлганига ишондим..." [6, 10] ва - ўзининг фожеадан дарак берувчи мазмунини йўқотиб кундалик ва турмуш иккичиқиларига қоришиб кетади: кўп ўтмай деразадаги ўлим ҳақида хабар берадиган варақа "Шамсиялар таъмирланади", деган эълон билан алмашинади. Тарихий ҳақиқат бу ўринда зоҳирий, формал характер касб этади. Жеймс Флинннинг ҳикоячи билан суҳбатлари, тарихий воқеалар ва шахслар эсланган суҳбатлар, "мураккаб саволлар" черков ақидаларини қўллаш ҳақидаги гапларга қўшилиб чувалашиб кетади ва суҳбатдошга қандай таъсир этганидан қатъий назар ўша, одатдаги якун: Флинннинг жилмайиб қўйиш билан хотима топади. ("Аксар ҳолларда мен унга ҳеч қандай жавоб қилолмасдим ёки чалғиб бирор-бир аҳмоқона жавоб берардим, у эса жилмаяр ва бошини сермаб қўярди. Баъзан у менинг жавобларга доир билимимни диний маросим чогида синовдан ўтказар \...\ ва, агар мен дудуқланиб қолсам, у тагин бошини сермаб ўйчан жилмаярди..." [6,11]).

Бу жилмайиш - тақводор ҳазрат феъл-атворининг муҳим белгиларидан бири бўлиб, ҳикоя контекстида тимсолий аҳамият касб этади. Мана, ҳикоячи бу жилмайиш таассуротини қандай баён қилади: "Жилмая туриб, у ўзининг катта сариқ тишларини очиб кўрсатар, ва унинг тили пастки лаби устида ётар - бу қилиқдан мен ўзимни танишганимиздан кейинги дастлабки кунларда, уни ҳали яқиндан билмаганим боис, ноқулай ҳис қилардим" [6,11]. Бу жилмайиш гуноҳ, фалаж ва ўлим аломатига айланади: ҳикоячининг тушида тавба қилмоқчи бўлаётгандай бўлиб кўринган руҳоний "нимадандир тавба қилишни" истаб жилмаяди - куфрга ботган "мунофиқона" вазият: руҳоний тавба-тазарру қилади, ибодатга қилади, ибодатга келганлар қавми тавба-тазарру қилишади ("У (руҳонийнинг юзи - Н.М.) менга сокин пичирлаб истиғфор айта бошлади, мен нега юзи тинимсиз жилмаяётганини ва нега лаблари сўлақдан бунчалик ҳўл эканини ҳеч тушунолмадим"[6,9]; ҳикоячига шундай туюладики, "...қари руҳоний тобутда ётиб, жилмаяётир" [6,11].

Касаликнинг ўзи атрофдагиларга ўзини кулги сифатида намоён этади (Элайзанинг биринчи зарба ҳақидаги айтганларида ушбу гап икки бор такрорланади: "Бир нуқтага тикилиб қолди, гўё ўзига ўзи кулаётгандай" [6, 14-15]; очилиб қолган оғиз - жилмайиш ва кулги мимикаси, унга мувофиқ ҳолат қувноқлик ҳолати ("... оромқурсида ястаниб ётибди...") [6, 13]; булар Элайзанинг гапирган гапларида - хавф-хатар аломатлари, зеро, "у билан қандайдир нохуш ҳодиса рўй бераётир" [6, 13]. Жойс тасвирида бу айниган дунёда, ҳазрат Флинн дунёсида жилмайиш ва кулги моҳиятан касалик, талваса, ўлим тимсоллари.

Қизиқ томони шундаки, Флинн олами Рождество оламига қарши курашадики, бунда ҳикоячи халос бўлишга, қутулишга уринади, гарчи ҳикоя воқеалари ёзда рўй берса-да: у "кўрпани бошига тортиб Рождество ҳақида ўйлашга ҳаракат қилди". Бироқ руҳонийнинг рангпар юзи унинг ортидан изма-из келарди. У "аллақандай гуноҳга ботган ва нашъали оламга чўкиб бораётганини ҳис қилди ва у ёқда ҳам яна ўша - унинг пайида юрган қиёфа бор эди" [6, 9]. Шу тариқа Флинн олами Рождество оламига қарши қўйилган ва бу билвосита йил фасллари, ёз ва қишнинг қарама-қарши қўйилиши орқали ифодаланган. Бундай боғлиқликда ёз ўлим вақти ҳисобланади, чунки ҳикоячи учун бу вақт танафус, фаолиятсизлик, бандсизлик вақти ва шу тариқа, Жойс фикрича, ҳикоячи ёзда кўникилган, одагга айланган вақт структурасидан четда бўлади ва жуда заиф ҳамда ижтимоийликдан холи вазиятда келиб чиқадиган, айни ҳолатда - кассалик таъсиридаги куч измида бўлади.

Руҳоний теварагида унинг ўзининг алоҳида макони, "аллақандай гуноҳга ботган ва нашъали олам" макони юзага келади. Унинг яшаш манзили имкон даражасида топонимик аниқликда белгиланган, муаллифнинг аҳамиятсиз майда-чуйдаларда қатъий "ҳаётий ҳақиқатга" зўр бериб урингани, қандайдир галати гипернатурализми"... ўз сўзини айтади. Бироқ бу маконий аниқлик, вақт аниқлиги каби, номигагина бўлиб, у сохта макон(ва вақт)ни юзага келтиради, холос, бу реал олам қонунилари ушбу макон-вақт континуумида иш бермайди. Реал координатлар тизими берилади, бироқ, агар уни ишониб қабул қилинса, "Опасингиллар" оламида бирор-бир қонунийларга асосланганлик ва

боғлиқликни ойдинлаштириш имконсиз кўринади.

Хуллас, Жеймс Флинн истиқомат қиладиган жой - "...ранги ўчган "Галантерия" лавҳаси илинган кўримсизгина дўконча", "Грэйт-Бритен-Стритдаги кичкина уйча" . У дўконча ортидаги мўъжаз хонада яшарди (ўлди) ва одатда пальтога бурканиб, камин олдидаги оромкурсида ўтирарди. Унинг ҳали тирик эканидан "текис ва хира" "ёруғ тўртбурчак дераза кўзи" гувоҳлик берарди [6, 7]. Ўлим ҳақида ёруғлик ҳам гувоҳлик бериши мумкин эди: "Агар у ўлган бўлса, деб ўйладим мен, шамларнинг қора пардага тушган акси менга кўринарди, чунки мен марҳумнинг бош тарафига бир жуфт шам ёқиб қўйишини билардим" [6, 7].

Умуман, маконнинг ёритилгани ҳикоячи томонидан алоҳида таъкидланади ва бунинг мантиқий давоми ўлароқ, ҳикоя контекстида салмоқли маъно юкини олади. Қаҳрамон ўзининг дўсти ва вафот этгани фактини англаб етиб, "кўчанинг қуёшли томонидан" юриб боради [6, 10] ва ўзининг озод бўлганини ҳис этади: "Менга галати туюлди, на мен, на бугунги кун мотамда эмасдик, ва мен туйқусдан ўзимни озод ҳис этганимдан ноқулай ҳолатни сездим - гўё унинг ўлими мени нимадандир холос этгандай" [6, 10]. Ўша сайр пайтида, "қуёшли томонда қадам ташлаб" [7], ҳикоячи кўрган тушини охиригача эшлашга уринади. Тушни эшлаш, онг остида кечган кечинмани онг фактига айлантириш - туш тазйиқидан, тунги кўрқувдан озод бўлиш демек. Қуёш ёруғи озодликни туҳфа этади, у - мотамнинг, ўлим ва қоронғуликнинг акси. Бироқ қаҳрамон тушнинг охирини эслаш олмайди ва тўла озод бўлолмайди ва шу боис мотам таъсири остида қолади.

Рухоний теварагидаги макон - тушаётган қоронғулик ёки қоронғуликнинг тушаётгани. Фалаж ҳикоячи оламида тун яқинлашиши билан пайдо бўлади ("Ҳар куни кечкурун..." ва ҳ., "Кечкурун холам мени ўзи билан марҳумнинг уйига олиб борди..." [6, 7-11]. Кечкурунлари унинг деразасини ёритган нур - " текис ва хира", ёрқин ҳам, қуёшники ҳам эмас. У ўлганидан сўнг, энди тобутда ётганида, унинг хонасини "ботаётган, гирди тўрли пардалардан ўтиб кирган қуёш нурлари қоплайди..." [6, 11]. Қуёш ёруғ таратади, бироқ у ботган; у, бир қарашда, галаба қозонаётгандек, унинг ёруғида "...шамлар (ўлим ҳақида гувоҳлик берадиган - Н.М.) \...\ аланганинг ингичка рангпар тилларига ўхшарди", бироқ бу галаба ҳақиқатдан йироқ, ботаётган кунга монанд. Қуёш ёруғида "ҳикоячи рухонийнинг ўлганига ишонч ҳосил қилади (эрталаб, деразадаги варақани ўқиб) ва ундан руҳан озод бўлишга уринади, бироқ қоронғулик туша бошлагач яна унинг таъсирига тушади. Қоронғуда унга ҳазрат Жеймс Флиннинг юзи кўринади ва у кўрпани бошига тортиб ундан қутулишга уринади: "Хонам қоронғулигида менга шундай туюлади - мен фалажнинг қотиб турган рангпар юзини яна кўраман" [6, 9]. Элайзанинг айтишича, қари рухонийни биринчи зарбадан сўнг қоронғуда топишади ва бу қоронғулик - истиғфор келтирадиган жойнинг қоронғулиги: "...ўзининг тавба-тазарру қиладиган жойида қоронғуда якка-ёлғиз ўтирибди..."[6, 14]. Қоронғулик, албатта, чекланган, чегараланган макон билан боғлиқ: фалажнинг олами - нафақат беморни қуршаган чекланган қоронғу ташқи макон олами, балки бу руҳан ўз устозига тобе ҳикоячининг ички иложсизлик, чорасизлик олами. Шу тариқа ҳикояда

қоронғулик ва ёруғликнинг ўзаро муносабати алоҳида роль ўйнайди.

Ҳикояда ҳаракат қиладиган шахслар тизимида Жеймс Флинн ва ҳикоячи билан бошқа персонажлар ҳам боғланган: ҳикоянинг биринчи эпизоди қаҳрамонлари - эркаклар ва иккинчи эпизодида биринчи планга чиқадиганлар аёллар.

Биринчи эпизод - кечки овқат маҳалидаги гап-сўзлар, улардан ҳикоячи ҳазратнинг вафот этганини билади. Суҳбатдошлар, ҳикоячининг тоғаси ва унинг таниши, қария Коттер - сийқаси чиққан бетайин умумий маиший ибораларни сақлаб, ишлатиб келаётганлар ("Ўғил бола ўз тенги болалар билан чопишиб, ўйнаб юргани маъқул..."; "...мен у сингари бебош бўлган пайтимда..."; "Таълим - бу ҳаммаси яхши ва фойдали, бироқ..."

[6, 8] ). Уларнинг даврасида ҳикоячи бола яккаланиб қолади, улардан бегонасирайди ("Мен зимдан мени кузатишаётганини билардим, шунинг учун, бу хабар гўё мени мутлақо қизиқтирмагандек, овқат ейишда давом этдим", "...мен унинг қизиқувчанлигини қониқтирмасликка қарор қилдим ва кўзимни тарелкалардан узмадим"; "Бехосдан ўзимнинг газабимни ошкор этиб қўймай деб, оғзимни сули бўтқасига тўлдириб олдим [6, 9].

Қария Коттер, ўша "эзма, қари, қизилбурун аҳмоқ", "ароқ ишлаб чиқариш ҳақидаги узундан-узоқ гаплари билан" [6, 8-9]) ҳикоячининг жонига тегиб кетган чол, фалажга дучор бўлган рухоний билан боланинг муносабатини, тоғаси каби, қоралайди: афтидан иккаласи ҳам ҳаётни ёқлайди, ўлимга қарши. Бироқ улар ҳаётни четдан, буткул сиртдан тушинишади, улар ёш билан боғлиқ хулқ-атворга доир қолип-қарашларини сақлаб қолиш тарафдорлари. Бир қарашда билинмаса-



да, аслида мистер Коттернинг ўзи Жеймс Флиннга яқин. Уларнинг иккаласини ҳам ҳикоячи чоллар деб атайди, Коттер ҳикояда айнан руҳонийнинг ҳолатида кўринади: камин олдида ўтирган аллозда; ҳатто уларнинг одаглари ҳам ўхшаш: қария Финн тамакини ҳидлайди, қария Коттер эса уни чекади. Ижтимоий қонун тарғиботчилари, ҳаёт ҳимоячилари ўзлари касалликка, бир қолипда баҳо беришга, фикр фалажига дучор бўлишган.

Ҳикоянинг иккинчи оммавий саҳнаси аёллар иштирокида ўтади. У юқорида эслатилган эпизоддан бир кун ўтиб, марҳумнинг уйида бўлади. Эркаклардан фарқли ўлароқ, аёллар нима "лозим"лиги ҳақида (эркаклар суҳбатининг мазмуни) гапиришмайди, уларнинг суҳбати унчалик мавҳум, умумий эмас, улар нима рўй бергани ҳақида гапиришади, гап-сўзлари маиший тафсилотлар: гуллар, шамлар, "бечора Жеймс" гапирган гапларнинг тафсилотлари ва ҳоказолар билан тўла. Айнан уларнинг ҳикояларидан биз руҳоний йўлиққан касаллик сабабларини ва у нимадан келиб чиққанини билиб оламиз.

Опа-сингиллардан бири, беморни парваришлаган Нэнни, рамақижон, камбағал ва ўзига қарамай қўйган, бу ҳикояда бўртиб кўринади: ҳикоячи уни қари кампир деб атайди, кампирнинг мингир-мингири унга фикрини жамлаб олишга ҳалал беради, "...этак кўйлаги белига қийшиқ тугмаланган, мовутдан қилинган башмоқларининг таг қисми ейилиб бир томонга қийшайган"[6,11]; гаплашиб турганида у "...диван ёстиғига боши билан эгилди, бир зум ўтмай ухлаб қоладигандай туюлди" [6,13]. Бутун ўтган вақт давомида Нэнни чурқ этиб оғиз очмайди, гоҳ сингисининг қош қоқиши, гоҳ меҳмонларнинг имо-

ишорасига бўйсуниб, хизмат қилиб юради. У итоаткор ва фидойи.

Иккинчи опа, Элайза, гапни гапга қовуштиради. Унинг ташқи қиёфаси ҳақида биз ҳеч нарсани билмаймиз, ёши ҳақида ҳам: у шунчаки Элайза. Бу жуфтликда у, синглисига зид тарзда, ўзида шахсга хос хусусиятларни, ақлилиқни мужассам этган.

Асар номининг ўзиёқ ўқувчи диққатини бу персонажлар образига тортади, гарчи улар ҳикоянинг иккинчи ярмида кўринса-да ва асардаги ҳаракатланган шахслар тизмида, Жеймс Финн ва ҳикоячи роли билан қиёслаганда, иккинчи даражали, бажарувчи ролини ўйнаса-да. Асар номи ваъда қилган нарсани ўқувчи кутади, бироқ, бир қарашда, бу умид оқланмайди. Ўзининг ҳикоясини "Опа-сингиллар" деб номлаб, Жойс бу билан ўқувчининг диққат марказига фалажга дучор бўлган руҳоний ва унинг касалигини қўйган эмас. Асар номи маъно ургуларини қориштиради: ўқувчи фикри-зикри туғишганлик, опа-сингиллик тушунчаларига қаратилади. Акасига қайғурган опа-сингиллар у билан алоқани сақлайди: туғишганлик, яшаш манзили, хотира. Бироқ бу алоқа шунчаки, юзаки, меҳр-оқибатдан холи: ҳикояда тирик қаҳрамонни кўрсатадиган бирор-бир далил йўқ - нуқул маросимга оид гап-сўзлар ва хитоблар ("Бечора Жеймс!", "Тангрим, унинг руҳини ўзинг шод эт!" ва маросим ҳаракатлари: "Элайза қўл рўмолчасини олди ва кўзини артди. Кейин уни яна чўнтагига солди..." [6,14].

Хуллас, "Опа-сингиллар"да, шу тариқа, ўлимга дучор этилган, қоронғуликка чўмаётган олам образи пайдо бўлади, маконлари берк, кулфланган олам, тарихий истиқболдан ташқаридаги олам, одамлар алоқаси расмиятлашган, ҳикоячининг дилини

чарогон этган қуёш каби табиатнинг қудрати ҳам касалликни даф эта қайта тикланадиган куч ато этадиган олмайдиган олам.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

---

1. Хоружий С.С. "Улисс" в русском зеркале. // Джеймс Джойс. Собр. Соч. в 3-х томах. Т.3-М.:Знаменитая книга, 1993.- с.390
  2. Macgregor G. Artistic Theory in James Joyce. Life and Letter. М. 1972
  3. Генива Е.Ю. Художественная проза Джеймса Джойса. Автореферат дисс. канд. филол. наук М.1972
  4. Гениева Е.Ю. Джеймс Джойс. Предисловия // Dubliners. A Portrait of the Artist as a Young Man.-Moscow: Progress, 1972
  5. J. Joyce. Dubliners. A Portrait of the Artist as a Young Man.- Moscow: Progress, 1982.- p.41
  6. . Ж. Жойс Муссавирнинг ёшликдаги портрети. Роман. Русчадан А.Отабоев тарж.- Тошкент: "Академнашр", 2014
  7. Дж. Джойс. Прискорбный случай (из сборника "Дублинцы") Пер. с англ. Н.Дарузес // Тридцать дней. 1936, № 4.- с. 10
  8. J.Joyce "Dubliners" and "A Portrait of the Artist as a Young Man." Edited by M.Beja. - London: Basingtoke, 1973.- p. 234
  9. Дж.Джойс. Дублинцы: рассказы; Портрет художника в юности. Роман. Пер. с англ. Том 1. - М.: Знаменитая книга, 1993.- с.443
  10. Beck W. Joyce's Dubliners. Substance, Vision and Art.- Durbam (N.C.), Duke University press, 1959-p233
  11. Hendry, I. Joyce Epiphanies / I. Hendry // Joyce's Portrait: Criticisms and Critiques / Ed. T.E.Connolly. - London: Peter Owen, 1962.
- Seed, D. James Joyce's The Portrait of the Artist as a Young Man / D. Seed. - New York: St. Martin's Press, 1992.